

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИҚУЛОВА НИЛУФАР АБДУМАЖИДОВНА

**УРБАНИЗАЦИЯ ЛАНДШАФТЛАРИ ҚОРИНОЁҚЛИ
МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ФАУНИСТИК ТАРКИБИ ВА
ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рузикулова Нилуфар Абдумажидовна

Урбанизация ландшафтлари қориноекли моллюскаларининг фаунистик таркиби ва экологияси 3

Рузикулова Нилуфар Абдумажидовна

Фаунистический состав и экология брюхоногих моллюсков урбанизированных ландшафтов 21

Ruzikulova Nilufar Abdumajidovna

Faunistic composition and ecology of gastropods in urbanizedbanized landscapes..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗИҚУЛОВА НИЛУФАР АБДУМАЖИДОВНА

**УРБАНИЗАЦИЯ ЛАНДШАФТЛАРИ ҚОРИНОЁҚЛИ
МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ ФАУНИСТИК ТАРКИБИ ВА
ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/B514 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Изатуллаев Зувайт биология фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Пазилов Абдувайит биология фанлари доктори, профессор Халимов Фахриддин Закирович биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши Давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «1» феврал куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 104104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15-уй, Биология факультети биноси, 2-кават мажлис­лар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+998 66) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 104104, Самарқанд шаҳри, Университет хиббони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» сентябр куни тарқатилди.
(2022 йил «17» сентябр даги 23- рақамли реестр баённомаси).



Э.Т.Раҳамуродов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, б.ф.ф.д. (PhD), доцент

Х.К.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунга келиб дунё миқёсида урбанизация жараёни жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса антропоген таъсирнинг ортиб боришига ва урбанизация ландшафтларидаги қориноёқли моллюскаларнинг тур таркибида ўзгаришлар юзага келишига ҳамда уларнинг хилма-хиллигини камайишига сабаб бўлмоқда. Қориноёқли моллюскалар сув ва қуруқлик биогеоценозларининг муҳим компоненти ҳисобланади. Қуруқликда яшовчи қориноёқли моллюскалар тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этади, уни минерал ва органик моддаларга бойитади. Айрим қориноёқли моллюскалар ўсимликларнинг вегетатив ва генератив аъзолари билан озикланиб зарар келтирса, айрим турлари гельминтларнинг оралиқ хўжайини ҳисобланади. Шунга кўра, урбанизация ландшафтларида қориноёқли моллюскаларнинг замонавий тур таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини таҳлил қилиш, хўжаликдаги аҳамиятини баҳолаш ва зарарли турларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда шаҳарлар малакофаунасининг шаклланиш қонуниятлари, урбанизация жараёнида бевосита антропоген босимнинг ҳудуд биохилма-хиллигига таъсири ҳамда турлар таркибидаги ўзгаришлар сабабларини аниқлаш ва турлар сонининг камайишининг олдини олиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада қориноёқли моллюскаларнинг шаҳарларда биотоплар бўйича тарқалишини таҳлил қилиш, қориноёқли моллюскаларни фаунистик классификация қилиш, шаҳар қурилишининг малакофауна турлари таркибида келтириб чиқарадиган ўзгаришлари ва муҳит ифлосланиши турларнинг айрим белгиларида ўзгаришлар келтириб чиқарувчи асосий омил эканлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда биохилма-хилликни асраш ва эко-зооресурслардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан табиий экосистемалар ва агроценозлар малакофаунаси тур таркиби, турларнинг биоэкологик хусусиятлари аниқланган, қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи моллюскаларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик, зараркунандалар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда шаҳарлар малакофаунасини фаунистик ва экологик таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи турларни аниқлаш ҳамда зарарли турларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ушбу диссертациянинг тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 408-сонли Қонуни, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» ги 142-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сонли «2019-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қориноёкли моллюскаларнинг фаунистик таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари борасидаги маълумотлар Cetka T. et Casany J. (2014), Mienis H.K. et Rittner O. (2010), I. Dedov, L.Penev (2000), P. Palmer (2010) ва бошқа хорижий олимлар ишларида ёритилган.

Қориноёкли моллюскаларнинг таксономик таркиби, систематикаси, экологияси, ривожланиши ва филогениясига оид тадқиқотлар МДХ мамлакатлари олимлари И.М. Лихарев, Е.С. Раммельмейер (1952), В.И. Жадин (1952), Я.И. Старобогатов (1970), Я.И. Старобогатов, Л.А. Прозорова, В.В. Богатов, Е.М. Саенко (2004), А.А. Шилейко (1978, 1984, 2004, 2007), К.К. Увалиева (1975, 1979, 1990), К.В. Земоглядчук (2003,2004), А.Ф. Иванькова, К.В. Земоглядчук (2001), Н.В. Сверлова (2000), R.V. Egorov (2017), С.Н. Кирпан, С.С. Крамаренко, Н.В. Сверлова, М.О. Сон, А.Н. Шилярук (2002), В.М. Коцур, И.А. Солодовников (2008), А.Я. Григорьевская, Е.А. Стародубцева, Н.Ю. Хлызова, В.А. Агафонов (2004), Э.А. Снегин (2008), Э.Н. Король (2006), Д.В. Манаков (2008, 2016), Е.В. Шиков (2013а, 2013б, 2015, 2016) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистон шароитида сув ва қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби, биологияси, зоогеографияси, эволюцияси ва хўжаликдаги аҳамияти бўйича маълумотлар З.И. Иззатуллаев (2005, 2014, 2016, 2018, 2019), А. Пазилов, И. Азимов (2003), Д.Р. Даминова (2002), А.Т. Каримқулов (2011), Ф.П. Гаибназарова (2017) ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида келтирилган.

Аммо олиб борилган тадқиқотларда урбанизация ландшафтлари малакофаунаси, қориноёкли моллюскаларнинг экологик ва биологик хусусиятлари ҳамда зарарли турларга қарши кураш бўйича маълумотлар берилмаган.

Шу нуқтаи назардан олганда, шаҳарлар малакофаунасининг таксономик таркибини аниқлаш, қориноёкли моллюскаларнинг биотоплар ва сув

ҳавзаларида тарқалиши хусусиятларини тадқиқ қилиш, аниқланган зарарли турларнинг биологияси ва ҳаёт циклини очиб бериш ҳамда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ Био-01-2021 “Жануби-Ғарбий Ўзбекистон ҳайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва муҳофазаси, ҳамда улардан рационал фойдаланиш” мавзуси ҳамда университетининг 4Ф.4.1.7-рақамли «Ўзбекистон моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги» (2003-2007) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Урбанизация ландшафтларида (Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари мисолида) қориноёқли моллюскаларининг систематик ҳолати ҳамда хўжаликдаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Урбанизация ландшафтларида (Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий, Зарафшон шаҳарлари мисолида) қориноёқли моллюскаларининг фаунистик таркибини аниқлаш;

Урбанизация ландшафтларида тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг биоэкологик хусусиятлари, биотоплар ҳамда сув ҳавзаларида тарқалишини таҳлил қилиш;

Кенг тарқалган айрим зарарли турларнинг кўпайиш биологияси, ҳаёт цикли, биотопга боғлиқ ҳолда морфологик ва конхологик белгиларининг ўзгарувчанлик хусусиятларини асослаш;

Урбанизация ландшафтларида тарқалган қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи куруқлик қориноёқли моллюскаларига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқот ҳудуди малакофаунаси таркибини зоогеографик жиҳатдан таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида урбанизация ландшафтларида (Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий, Зарафшон шаҳарлари мисолида) тарқалган куруқлик ва сув қориноёқли моллюскалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини урбанизация ландшафтлари қориноёқли моллюскаларининг таксономик таркиби, биоэкологик хусусиятлари, улардаги ўзгарувчанлик жараёнлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини бажаришда умумқабул қилинган зоологик, малакологик, морфометрик, гельминтологик ва статистик-таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

урбанизациялашган ландшафтларда қориноёқли моллюскаларининг 17 оила 22 авлодга мансуб 36 тури аниқланиб, шулардан *Deroceras reticulatum*, *Oxychilus translucidus*-куруқлик моллюскалари, *Lymnaea thiesseae*, *Lymnaea schirazensis*, *Seminolina boucardi*, *Seminolina eudiscus*, *Biomphalaria*

tenagophila—суб моллюскалари тадқиқот ҳудуди фаунаси учун янги тур эканлиги аниқланган;

Урбанизация ландшафтларида кенг тарқалган зарарли тур ҳисобланувчи *Deroceras caucasicum* (Simroth, 1901) нинг биологияси ва ҳаёт циклининг механизми очиб берилган;

Candaharia levanderi (Simroth, 1901) ва *Deroceras reticulatum* (Müller, 1774) ларнинг морфологик белгилари, *Xeropicta candaharica* (L. Pfeiffer, 1846) нинг конхологик белгиларининг ўзгариши табиий муҳитнинг ифлосланишига боғлиқлиги очиб берилган;

Урбанизация ландшафтларида қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи қуруқлик қориноёқли моллюскаларига қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

урбанизация ландшафтларида тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг биотопларда тарқалиши, уларнинг биологияси ҳамда ҳаёт цикли бўйича олинган натижалар асосида қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирувчи қориноёқли моллюскаларга қарши кураш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

оралиқ хўжайин ҳисобланувчи сув қориноёқли моллюскаларининг биологияси, тарқалиш зичлиги ва мавсумий ривожланиши бўйича олинган натижалар асосида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг фасциолёз билан зарарланишини олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг нуфузли илмий нашрларда чоп қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти урбанизация ландшафтлари (Самарқанд, Каттақурғон, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари мисолида) қориноёқли моллюскалари комплекс таҳлил этилиб, турларнинг фаунистик таркиби ва тур таркиби систематик ҳамда экологик таҳлил қилинганлиги, турларнинг биотоплар ва сув ҳавзалари бўйича тарқалиши аниқланганлиги, зарарли турларнинг биологияси ва ҳаёт цикли механизмлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шаҳарлар ҳудудларининг ифлосланиши турларнинг морфологик ва конхологик белгиларида ўзгаришлар келтириб чиқарувчи омил эканлиги аниқланганлиги, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказувчи қуруқлик қориноёқли моллюскаларига қарши кураш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилганлиги. Урбанизация ландшафтлари қориноёқли моллюскаларининг фаунистик таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказувчи қуруқлик қориноёқли моллюскаларга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича ишлаб чиқилган

тавсиялар Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Эсабой пахта ғалла далалари» ва «Эсабой замин пахта диёри» фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «ЎЗАГРОКИМЁҲИМОЯ» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 6 майдаги 02-13/242-сон маълумотномаси). Натижада, фермер хўжалигида кишлок хўжалиги экинларини моллюскалар томонидан зарарлашнинг олди олиниб, ҳосилдорликни 9,25% га ошириш имконини берган;

Сув қориноёқли моллюскаларининг сув ҳавзаларида тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари ва уларни гельминт личинкалари билан зарарланишининг мавсумий динамикаси Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 10 мартдаги 02/23-113-сон маълумотномаси). Натижада, чучук сув биоценозлари малакофаунасининг мониторингини олиб бориш ва ҳудуднинг эколого-паразитар ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқотлар натижасининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, унда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Урбанизация ландшафтлари қориноёқли моллюскаларининг ўрганилиш таҳлили**» номли биринчи бобида Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудларда тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркиби, тарқалиши, зоогеографияси, ўзгарувчанлиги ва халқ хўжалигидаги аҳамиятининг ўрганилиши бўйича 63 та маҳаллий ва 81 та ҳалқаро адабиёт манбалари таҳлилининг натижалари

баён этилган. Таҳлил қилинган илмий манбаларда урбанизация ландшафтлари малакофаунасига оид маълумотлар жуда кам келтирилган бўлиб, ҳудудни чуқур таҳлил этилмаганлигини кўрсатиши билан бирга мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб берган. Аммо, бу тадқиқотлар урбанизация ландшафтлари қориноёқли моллюскаларининг бугунги кундаги таркибининг мавжуд ҳолатини акс эттира олмайди. Ушбу ҳудуд қориноёқли моллюскаларининг таксономик, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши ва аҳамиятига оид жиҳатлари ўрганилмаган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг табиий-географик тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида дала тажрибалари олиб борилган ҳудудларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот услублари баён қилинган.

Ушбу тадқиқот ишининг мазмунини 2004-2020 йилларда Самарқанд (Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Ёшлик истироҳат боғи, Суғдиёна истироҳат боғи, Университет хиёбони, Биология факультети ҳовлиси ва иссиқхонаси, Рухобод хиёбони, Бибихоним хиёбони, И. Каримов майдони, Абу Мансур Мотрудий хиёбони, Регистон майдони дарахтзорлари, Ҳазрати Дониёр зиёратгоҳи, шаҳар ҳудудидаги касалхоналар (вилоят, юқумли касалликлар, Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали) боғлари, Хотира майдони, вилоят ҳокимияти ҳудудидаги дарахтзорлар, аҳоли яшайдиган ҳовлилар (Лутфий, Ўзбекистон, Маҳмуд Қошғарий, Орзу Маҳмудов кўчалари), Сиёб ариғи, Оби Машхат ариғи, Чўпонота тепалиги, Хишрав кўрғони, ҳарбий шаҳарча дарахтзорлари ва кўл, СамВМИ иссиқхонаси, Хазора кўрғони иссиқхоналари, Кимёгарлар шаҳарчаси, Фотима Қосимова жамоа хўжалиги иссиқхоналари, Найман маҳалласи иссиқхоналари, Дахбед кўрғони), Каттакўрғон (Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, Ш.Рашидов кўчаси, А. Навоий кўчаси, Кухнадам ва Чинобод маҳаллалари, Каттакўрғон сув омбори), Навоий (А.Навоий номидаги истироҳат боғи, Маърифат боғи, Ғалаба боғи, Навоий кўли, Навоий, Ўзбекистон, Спитамен, Л.Толстой, А. Темур, Ғалаба кўчалари ва Халқлар Дўстлиги шох кўчаси) ва Зарафшон (Аквапарк, Ғалаба истироҳат боғи, марказий микрорайон, 5-микрорайон (МСЧ-3 поликлиникаси атрофи), А. Темур кўчаси) шаҳарлари ҳудудларидан йиғилган сув ва қуруқлик қориноёқли моллюскаларининг 5000 га яқин нусхадаги намуналаридан фойдаланилган.

Йиғилган материалларни фиксация қилиш, анатомик тадқиқотлар ва моллюскаларда борадиган конхологик белгиларнинг ўзгарувчанлиги Н.А. Акрамовский (1976), И.М. Лихарев, У.С. Раммельмейер (1952), А.А. Шилейко (1984) услубларидан фойдаланилди. Илмий натижалар таҳлилида замонавий статистик усулларида фойдаланилиб, Microsoft Excel 7.0. SPSS Statistics 17.0 т иловаси ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Урбанизация ландшафтлари қориноёқли моллюскаларининг фаунаси**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот ҳудуди қориноёқли қуруқлик ва сув моллюскаларининг таксономик таркиби, қуруқлик малакофаунасининг шаклланиши, биотоплар ва сув ҳавзаларида

тарқалиши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Қориноёқли қуруқлик моллюскаларнинг таксономик таркиби

Тадқиқотлар натижасида урбанизация ландшафтларида ҳудудида қориноёқли қуруқлик моллюскаларининг 13 оила 16 авлодга мансуб, 26 тури тарқалганлиги аниқланган. Қуйида систематика ва номенклатуранинг замонавий талабларига биноан юқоридаги турларнинг таксономик рўйхати (бу ерда *-ҳудуд учун янги турлар) келтирилган:

Mollusca типи

Gastropoda Cuvier, 1797 синфи

Pulmonata Cuvier, 1897 кенжа синфи

Stylommatophora A. Schmidt, 1856 юксак туркум

Succinida A. Schmidt, 1856 туркум

Succineidae Beck, 1837 оиласи

Succinea Draparnaud, 1801 авлоди

1. *S. putris* (L., 1758)

Oxylominae Schileyko et Likharev, 1986 кенжа оила

Oxyloma Westerlund, 1885 авлоди

2. *Ox. elegans* (Risso, 1826)

Cochlicopidae Pilsbry, 1900 оиласи

Cochlicopa A.E.I. Ferussac, 1821 авлоди

3. *C. lubrica* (Müller, 1774)

Orculidae Steenberg, 1925 оиласи

Orculinae Steenberg, 1925 кенжа оила

Sphyradium Charpintier, 1837 авлоди

4. *S. doliolum* (Bruguere, 1792)

Pupillidae Turton, 1831 оиласи

Pupilla Turton, 1831 авлоди

Pupilla Schileyko, 1984 кенжа авлоди

5. *P. muscorum* (L., 1758)

Valloninae Morse, 1864 оиласи

Valloniinae Morse 1864 кенжа оиласи

Vallonia Risso, 1826 авлоди

6. *V. pulchella* (Müller, 1774)

7. *V. costata* (Müller, 1774)

Limaxina Schileyko, 1979 кенжа туркум

Agriolimacidae H. Wagner, 1935 оиласи

Deroceras Rafinesque, 1820 авлоди

Deroceras Likharev et Wiktor, 1980 кенжа авлоди

8. *D. sturanyi* (Simroth, 1894)

9. *D. laeve* (Müller, 1774)

Agriolimax Morch, 1865 кенжа авлоди

10. **D. (A) reticulatum* (Müller, 1774)

11. *D. (A) agreste* (L., 1758)

Liolytopelte Simroth, 1901 кенжа авлоди


12. *D. (L) caucasicum* (Simroth, 1901)

- Lytopenete Boettger, 1886* авлоди
13. *L. maculata* (Koch et Heynemann, 1874)
 Parmacellidae Gray, 1860 оиласи
Candacharia Godwin - Austen, 1888 авлоди
Levanderia Likharev et Wiktor, 1908 кенжа авлоди
14. *Candaharia (L.) levanderi* (Simroth, 1901)
15. *Candaharia (L.) izzatullaevi Likharev et Wiktor, 1980*
16. *Candaharia (L.) roseni* (Simroth, 1912)
 Zonitidae Morch, 1864 оиласи
Oxychilus Fitzinger, 1833 авлоди
17. **O. translucidus* (Mortillet, 1854)
 Gastrodontidae Tryon, 1886 оиласи
Zonitoides Lehmann, 1862 авлоди
18. *Z. nitidus* (Müller, 1774)
 Ariophantidae Gudwin - Austen, 1888 оиласи
Macrochlamys Benson, 1832 авлоди
Parvatella Blanford and Gudwin-Austen, 1908 кенжа авлоди
19. *M. (P.) sogdiana* (Martens, 1871)
20. *M. (P.) turanica* (Martens, 1874)
 Vitrinidae Fitzinger, 1933 оиласи
Phenacolimax Stabile, 1859 авлоди
21. *P. annularis* (Studer, 1820)
 Hygromiidae Tryon, 1886 оиласи
 Trichiinae Zilch et Jaeckel, 1962 кенжа оиласи
Leucozonella Lindholm, 1927 авлоди
Leucozonella Schileyko, 1978 кенжа авлоди
22. *L. (L) mesoleuca* (Martens, 1882)
23. *L. (L) rubens* (Martens, 1874)
24. *L. (L) rufispira* (Martens, 1874)
Xeropicta Monterosato, 1892 авлоди
25. *X. candaharica* (L. Pfeiffer, 1846)
 Helicidae Rafinesque, 1815 оиласи
 Helicinae Rafinesque, 1815 кенжа оиласи
Helix Linnaeus, 1758 авлоди
26. *H. lucorum, 1758*

Шаҳарлар куруқлик малакофаунасини шаклланишида маҳаллий турлар (*Macrochlamys sogdiana, Candaharia levanderi, Candaharia izzatullaevi, Xeropicta candaharica, Succinea putris, Oxlooma elegans, Cochilicopa lubrica, Leucozonella mesoleuca*), синантроп турлар (*Lytopenete maculata, Candaharia levanderi, Candaharia izzatullaevi, Zonitoides nitidus*) ва интродуцент турлар (*Deroceras sturanyi, Deroceras caucasicum, D. reticulatum, Oxychilus translucidus*) асосий ўрин эгаллаши қайд этилган.

Шаҳар биотопарида антропоген омилнинг таъсири юқори ва бу турларнинг учраш даражасида намоён бўлиши таъкидланган ҳолда, шаҳарлар

ҳудуди 4 та биотопа ажратиб ўрганилган: истироҳат боғлари ва хиёбонлар, боғлар, экин далалари, антропоген ўтлоқлар (газонлар, ғалладошли ва турли ўтли сернам ўтлоқлар). Биотоплар бўйича қуруқлик моллюскаларининг тарқалишида истироҳат боғлари ва хиёбонлар ҳамда боғларда турлар сони юқори эканлиги қайд этилган ва бунинг сабабларидан бири сифатида моллюскалар учун пана жой ва озиқа бўлиб хизмат қиладиган хазонли тўшалмаларнинг мавжудлиги кўрсатиб ўтилган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида қуруқлик қориноёкли моллюскаларнинг биотоплар бўйича тарқалиши: I-истироҳат боғлари ва хиёбонлар; II-боғлар; III-экин далалари; IV-антропоген ўтлоқлар.

Тадқиқотлар натижасида ўрганилган ҳудудда 5 оила 6 уруғга мансуб 10 тур, яъни Самарқанд шаҳрида 4 оила 6 авлодга мансуб 10 тур, Каттақўрг'on шаҳрида 3 оила 3 авлодга мансуб 3 тур ва Навоий шаҳрида 2 оила 2 авлодга таалуқли 3 тур қориноёкли сув моллюскаларининг яшаши аниқланган.

Basommatophora Keferstein, 1864 катта туркум

Lymnaeiformes Rafinesque, 1815 туркуми

Lymnaidae Rafinesque, 1815 оиласи

Lymnaea Lamarck, 1799 авлоди

Galba Schranck, 1803 кенжа авлоди

Galba s.str. секцияси

1. **L. (G) thiesseae* (Clessin, 1879)

2. **L. (G) schirazensis* (Kuster, 1862)

3. *L. (G) truncatula* (Müller, 1774)

Radix Monfort, 1810 кенжа авлоди

Radix s.str. секцияси

4. *L. (R) auricularia* (L., 1758)

Physidae Fitzinger, 1833 оиласи

Costatella Dall, 1870 авлоди

5. *C. acuta* (Draparnaud, 1805)

Bulinidae Herrmannsen, 1846 оиласи

Seminolina Pilsbry, 1934 авлоди

6. **S. boucardi* (Fisch et Crobse, 1880)

7. **S. eudiscus* (Pilsbry, 1934)

Planorbidae Rafinesque, 1815 оиласи

Biomphalarinae Watson, 1954 кенжа оиласи

Biomphalaria Preston, 1910 авлоди

8. **B. tenagophila* (Orbigny, 1835)

Planorbinae Rafinesque, 1815 кенжа оиласи

Planorbis Geofray, 1767 авлоди


9. *P. tangitarenis* Germain, 1918

Anisus Studer, 1820 авлоди

10. *A. ladacensis* (Nevill, 1878)

Эслатма: *-худуд фаунаси учун илк бор қайд этилган турлар.

Шаҳарларда сув ҳавзалари сонининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, моллюскаларнинг учрайдиган сув ҳавзалари бўйича 3 та гуруҳга ажратилган: 1) каналлар, кўллар ва сув омборларида яшовчи турлар (*Lymnaea auricularia*, *L. truncatula*, *Anisus ladacensis*, *Planorbis tangitarenis* ва *Costatella acuta*) 2) кичик сув ҳавзалар: ариқлар, чашмалар, турли кўлмакларда яшовчи турлар (*Lymnaea auricularia*, *Lymnaea truncatula*, *Lymnaea thiesseae*, *Lymnaea schirasensis*) 3) иссиқхона ҳовузларида учрайдиган ва келтирилган-адвентив турлар (*Seminolina eudiscus*, *Seminolina boucardi* ва *Biomphalaria tenagophila*). Тадқиқотлар давомида сув ҳавзаларида сув моллюскаларининг учраш частотаси ва зичлиги аниқланган (2-расм).



2- расм. Шаҳарлардаги сув ҳавзаларида сув қориноёқли моллюскаларининг учраш частотаси: I- *Lymnaea auricularia*; II-*Costatella acuta*; III-*L.truncatula*; IV-*Anisus ladacensis*; V- *Planorbis tangitarenis*; VI- *Lymnaea schirasensis*; VII-*L. thiesseae*; VIII- *Seminolina boucardi*; IX-*S. eudiscus*; X- *Biomphalaria tenagophila*.

Сув ҳавзаларидаги зичлик кўрсаткичи юқори турлар сифатида *Lymnaea auricularia*, *Costatella acuta*, *Planorbis tangitarenis*, *Anisus ladacensis* лар кўрсатилган.

“Қориноёқли моллюскалар айрим турларининг биоэкологик хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида кенг тарқалган айрим

турларнинг кўпайиш биологияси ва ҳаётий шакли, куруклик моллюскаларининг экологияси, моллюскаларнинг морфологик ва конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги, айрим сув қориноёқли моллюскаларининг гельминтларнинг оралик хўжайин сифатидаги роли ва қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши кураш чора-тадбирлари баён қилинган.

Тадқиқотлар давомида куруклик қориноёқли моллюскаларининг биологияси ва ҳаётий цикли *Deroceras caucasicum* (Simroth, 1901) мисолида ўрганилган. Бу тур бир йил яшайди ва ҳаёт циклига кўра бир йилда икки марта генерацияга эгаллиги билан фарқ қилади (3-расм).




3-расм. Кавказ шилликқурти *Deroceras caucasicum* (Simroth, 1901) нинг ҳаёт цикли. А-шилликқуртларнинг очик ҳаводаги ҳаёти: 1-қишладан чиқиш; 2-фаол озикланиш ва копуляцияга тайёргарлик; 3-копуляция; 4-тухум қўйишга тайёргарлик; 5-кузги ўсиш ва копуляцияга тайёргарлик; 6-копуляция; 7-тухум қўйишга тайёргарлик. В-шилликқуртларнинг тупроқдаги ҳаёти: 1-қишки ўйқу; 2,3-тухумлар; 4-тухумдан чиққан шилликқуртчалар; 5-ёзги ўсиш; 6-7-тухумлар; 8-қишки ўйқу.

Постэмбрионал даври **инфантил** (майнинг учинчи декадасидан июннинг иккинчи декадасигача яъни 1-1,5 ой давом этади, бу даврда тана узунлиги ҳаракатланганда 3,5-4,5 мм, тинч ҳолатда 2,5-3,5 мм), **ювенил** (июннинг иккинчи декадасидан октябрнинг иккинчи декадасигача давом этади), **вояга етган ёки кўпайиш** (октябрь иккинчи декадаси (бу даврда тана узунлиги ҳаракатланганда 25-36 мм, тинч ҳолатда 18-28 мм га етади)-ноябрь биринчи ярми (бу даврда жинсий етилган формалари копуляция давридан кейин тухум қўяди)) ва **қарилик (синил)** (тухум қўйган формаларда қарилик даври бошланади ва копуляциядан сўнг 3-5 кун ўтиб шилликқуртлар нобуд бўлади) даврлардан иборат бўлиши қайд этилган. Лаборатория шароитида тажрибаларда кавказ шилликқурти тухумларининг ривожланишига ҳароратнинг таъсири 3 хил ҳарорат: 10⁰С, 16⁰С ва 25⁰С да ўрганилган ва оптимал ҳарорат сифатида 16⁰С кўрсатилган (1-жадвал).

Кавказ шиллиқурти - *Deroceras caucasicum* (Simroth, 1901) тухумларининг ривожланишига ҳароратнинг таъсири

№	Ҳарорат	Қўйилган тухумлар сони, дона	Шиллиқуртларнинг тухумдан чиқиш муддати	Шиллиқуртларнинг тухумдан очиб чиқиш фоизи, % да
1	10 ⁰ С	160-200	31-33	25%
2	16 ⁰ С	330-396	19-21	95%
3	25 ⁰ С	270-310	11-12	47%


Тадқиқот ҳудуди қуруқлик моллюскалари биотопнинг намлигига бўлган талабига кўра, учта асосий гуруҳ ва битта оралиқ гуруҳларга ажратилган: гигрофиллар- *Succinea putris*, *Oxloma elegans*, *Cochlicopa lubrica*, *Deroceras laevi*, *D. reticulatum*, *Lytopenelte maculata*, *Oxychilus translicidus*, *Zonitoides nitidus* (30,7%), мезофиллар-*Vallonia costata*, *V. pulchella*, *Deroceras sturanyi*, *D. caucasicum*, *D. agreste*, *Candaharia izzatulaevi*, *C. levanderi*, *Pupilla muscorum*, *Phenacolimax annularis*, *Macrochlamys turanica*, *M. sogdiana*, *Leucozonella mesoleuca*, *Helix lucorum* (50%), ксерофиллар-*Leucozonella rufispira*, *Xeropicta candaharica* (7,6%) ва мезоксерофиллар-*Leucozonella rubens*, *Candaharia rozeni*, *Sphyradium doliolum* (11,5%) (4-расм). Эпифитогеобионтлар-*Deroceras sturanyi*, *D. caucasicum*, *D. reticulatum*, *D. laevi*, *D. agreste*, *Candaharia levanderi*, *C. izzatulaevi*, *C. rozeni* (30,7 %). Сапрогеобионтлар-*Cochlicopa lubrica*, *Sphyradium doliolum*, *Vallonia pulchella*, *V. costata*, *Oxychilus translicidus*, *Pupilla muscorum*, *Helix lucorum* (26,9%). Эпифитострабионтлар-*Macrochlamys sogdiana*, *M. turanica*, *Leucozonella mesoleuca*, *L. rubens* (15,3%), эпифитопетробиионтлар-*Lytopenelte maculata*, *Phenacolimax annularis* (7,6 %), эпифиторипабионтлар-*Succinea putris*, *Oxloma elegans* (7,6%), сапрокислوبيонт-*Zonitoides nitidus* (3,8 %), петорбионт-*Leucozonella rufispira* (3,8 %) ва эпифитобионт-*Xeropicta candaharica* (3,8 %).



4-расм. Қуруқлик моллюскаларининг экологик гуруҳлари:

I-гигрофиллар, II-мезофиллар, III-ксерофиллар, IV-мезоксерофиллар

Қуруқлик қориноеқли моллюскалари биотоплар бўйича стациал мансублигига кўра 8 та гуруҳга ажратилган (5-расм).



5-расм. Куруклик моллюскаларининг яшаш стациялари бўйича экологик гуруҳлари: I-эпифитогеобионтлар, II-сапрогеобионтлар, III-эпифитострабионтлар, IV-эпифитопетробионтлар, V-эпифиторипабионтлар, VI-сапрокислобионтлар, VII-петорбионтлар, VIII-эпифитобионтлар.

Ўрта Осиё шилликкурти *Candaharia levanderi* (Simroth, 1901) нинг рангининг ўзгарувчанлиги ўрганилган ва бу ўзгариш табиий муҳитнинг ифлосланиши натижасида юзага келган деб хулоса қилинган. Шилликкуртда 6 типдаги интеграл ранги аниқланган бўлиб, улардан 4 таси меланик тип сифатида қайд этилган. Шилликкуртлар популяциясининг таҳлилига, Самарқанд шаҳри ҳудудида меланик рангли шилликкуртлар 40-52%, шаҳар атрофида 10-12% дан кам учраши, меланик индивидлар шаҳар ҳудудида Кимё заводи, Супер посёлкаси ва аэропорт ҳудудидаги популяцияларида 45-60%, селитеб районларда (хусусий шахслар ва фермерларнинг боғлари ва экин далаларида) 10 % ни ташкил этиши қайд этилган. *Xeropicta candaharica* да биотопга боғлиқ ҳолда конхологик белгиларининг ўзгарувчанлиги қайд этилган (2-жадвал).


2-жадвал

Xeropicta candaharica нинг турли биотоплардаги чиғаноқ ўлчамларининг ўзгарувчанлиги (n=10)

№	Биотоп	Чиғаноқ баландлиги	Катта диаметр	Кичик диаметр
Шаҳар ҳудуди				
1	Дарахзорлардаги ўтлар ораси (Вилоят ҳокимияти биноси атрофи)	8,94±0,47	12,87±0,20	10,17±0,42
2	Ўтлар ораси (аэропорт ҳудуди атрофи)	8,11±0,41	12,39±0,23	9,47±0,46
Кимё заводи ҳудуди				
3	Ўтлар ораси (завод атрофи ҳудуди)	7,93±0,22	11,33±0,17	8,78±0,30
Пастдарғом тумани				
4	Бедазор	9,65±0,43	13,94±0,15	11,18±0,57

Қориноёкли сув моллюскаларининг гельминтларнинг оралиқ хўжайин вазифасини бажаришини ҳисобга олган ҳолда, *L. truncatula* сонининг мавсумий динамикаси ва уни *F. hepatica* нинг личинкалари билан зарарланиш даражаси ўрганилган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, март ойида моллюскаларнинг зичлиги 1м² да ўртача 4-9 тагача бўлган бўлса,

сентябрь ойида ўртача 29-53 тани ташкил этиши қайд этилди. Инвазия интенсивлиги май ойидан бошлаб ортиб бориши ва кўрсаткичлар ноябрь ойига ўтганда кескин пасайиши аниқланган(7-расм).




6-расм. *L. truncatula* нинг мавсумлар бўйича *F. hepatica* личинкалар билан зарарланиш динамикаси


Тадқиқот ҳудудида аниқланган 11 тур қуруқлик моллюскалари қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаси ҳисобланади. Тадқиқотлар давомида фермер хўжалигида зарарли турларга қарши курашда агротехник ва кимёвий кураш чоралари бўйича тажрибалар олиб борилган. Зарарли шиллиққуртларга қарши курашда помидор экини учун карбофос 50%ли э.к. 78,0%, буғдой учун фуфанон-57 % ли э. к. 77,8% биологик самарадорликка эга эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ҳудудида тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг зоогеографик таҳлили” деб номланган бешинчи бобида қориноёқли моллюскаларнинг зоогеографик ҳолати таҳлил этилган. Тадқиқот ҳудуди Турон воҳа-тўқайли провинциясига киритилган ва шаҳарлар қуруқлик малакофаунаси учун Ўрта Осиё-*Candaharia levanderi*, *C. izzatullayevi*, *C. rozeni*, *Macrochlamus sogdiana*, *M. turanica*, *Leucozonella mezoleuca* (28,5%), Голарктика-*Cochlicopa lubrica*, *Vallonia pulchella*, *V. costata*, *Deroceras leave*, *D. agreste*, *Pupilla muscorum* (28,5%), Палеарктика-*Oxyloma elegans*, *Succinea putris*, *Zonitoides nitidus* (14,2%), Европа-*Sphyradium doliolum*, *Phenacolimax annularis* (9,5%), Олд Осиё-*Lytopelte maculata*, *Xeropicta candaharica* (9,5%) ва тоғли Осиё турлари- *Leucozonella rubens*, *L. rufispira* (9,5%) кўрсатиб ўтилган (8-расм).

Сув моллюскалари зоогеографик таҳлиliga кўра тадқиқот ҳудуди Палеарктика вилоятининг Европа-Марказий Осиё кенжа вилояти Суғд-Тибет провинциясининг Суғд провинциясига киритилган. Ҳудуд малакофаунаси Олд Осиё турлари-*Lymnaea schirazensis*, *Lymnaea thisseae* (28,5%), Марказий Осиё турлари-*Anisus ladacenis*, *Planorbis tangitarenis* (28,5%), Палеарктика-*Lymnaea auricularia* (14,25%), Европа Сибирь-*Lymnaea truncatula* (14,25%), Ўрта Ер денгизи-*Costatella acuta* (14,25%) турларидан ташкил топганлиги қайд этилган (8-расм).



7-расм. Тадқиқот ҳудудида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг зоогеографик гуруҳлари: I-Ўрта Осиё турлари, II-Голоарктик турлар, III-Палеарктика турлари, IV-Европа турлари, V-Олд Осиё турлари, VI-Тоғли Осиё турлари.



8-расм. Тадқиқот ҳудудида тарқалган сув моллюскаларининг зоогеографик гуруҳлари: I-Олд Осиё турлари, II-Марказий Осиё турлари, III-Палеарктика тури, IV-Европа Сибирь тури, V- Ўрта Ер денгизи тури.

ХУЛОСАЛАР

«Урбанизация ландшафтлари қориноёқли моллюскаларининг фаунистик таркиби ва экологияси» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Урбанизация ландшафтларида қориноёқли моллюскаларнинг 17 оила 22 авлодга мансуб 36 тури (Самарқанд шаҳрида-36, Каттақурғон шаҳрида-14, Навоий шаҳрида-12, Зарафшон шаҳрида-5 тур) қайд этилди. Улардан 2 тур қуруқлик моллюскалари-*Deroceras reticulatum*, *Oxychilus translucidus*; 5 тур сув моллюскалари-*Lymnaea thiesseae*, *Lymnaea schirazensis*, *Seminolina boucardi*, *Seminolina eudiscus*, *Biomphalaria tenagophila* тадқиқот ҳудуди фаунаси учун янги тур ҳисобланади.

2. Қуруқлик моллюскаларининг биотоплар бўйича тақсимланиши: Самарқанд шаҳрида истироҳат боғлари ва хиёбонларда-23, боғларда 13, экин далаларида-13, ёпиқ грунтда-12, антропоген ўтлоқларда-10, Каттақўрғон шаҳрида истироҳат боғларида-11, боғларда-7, экин далаларида-4, антропоген ўтлоқларда-4, Навоий шаҳрида истироҳат боғлари ва хиёбонларда-9, боғларда-7, экин далаларида-5, антропоген ўтлоқларда-3, Зарафшон шаҳрида истироҳат боғларида-5, антропоген ўтлоқларда 3 турни ташкил этади.

3. Урбанизация ландшафтларида қориноёқли қуруқлик моллюскалари 4 та экологик гуруҳларни (гигрофиллар-8 тур, мезофиллар-13 тур, ксерофиллар-2 тур, мезоксерофиллар-3 тур) ўз ичига олади. Қориноёқли сув моллюскалари 3 та экологик гуруҳга (мадиколлар-3 тур, фитофиллар-6 тур, тельматофиллар-1 тур) бўлинади.

4. Илк бор *Deroceras caucasicum* нинг ҳаёт цикли таҳлил қилиниб, унинг биологик цикли 4 босқичда (инфантил, ювениль, кўпайиш, сениль) ўтиши қайд этилди. Бу тур бир йилда икки марта: баҳор ва кузда кўпаяди. Тухумларнинг ривожланиши табиий шароитда 18-22 кун, лаборатория шароитида 20-21 кунни ташкил этади. Лаборатория шароитида шиллиққурт тухумларининг ривожланиши учун оптимал ҳарорат 16⁰С эканлиги аниқланди.

5. Илк бор Ўрта Осиё эндемик шиллиққурти *Candaharia levanderi* нинг биологик мониторинги ўрганилиб, унда 6 типдаги интеграл ранг мавжудлиги ва унинг 4 таси меланик типга оид эканлиги аниқланди. Шиллиққуртдаги меланизм муҳит ифлосланиши натижасида юзага келиши ва наслдан-наслга ўтмаслиги исботланди.

6. Урбанизация ландшафтлари қуруқлик моллюскалари 6 та зоогеографик гуруҳни (Ўрта Осиё-6, Голарктика ва Палеарктика-9, Европа-2, Олд Осиё-2, Тоғли Осиё-2 тур) ва сув моллюскалари 5 та зоогеографик гуруҳни (Олд Осиё-2, Палеарктика-1, Европа Сибирь-1, Ўрта Ер денгизи-1, Марказий Осиё-2 тур) ўз ичига олади

7. Олинган илмий натижалар асосида, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи моллюскаларга ва чорвачилик хўжаликларида фасциолезни олдини олиш учун оралиқ хўжайин ҳисобланувчи моллюскаларга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РУЗИКУЛОВА НИЛУФАР АБДУМАЖИДОВНА

**ФАУНИСТИЧЕСКИЙ СОСТАВ И ЭКОЛОГИЯ БРЮХОНОГИХ
МОЛЛЮСКОВ УРБАНИЗИРОВАННЫХ ЛАНДШАФТОВ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/B514.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском государственном университете.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


Научный руководитель:	Иззатуллаев Зувайл доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Пазитов Абдувайит доктор биологических наук, профессор Халимов Фазлiddин Закирович кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет


Защита диссертации состоится « 1 » февраля 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № В). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан: « 17 » января 2022 года.
(реестр протокола рассылки № « 22 » 17 января 2022 года)




С.Т. Ражамуродов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор.


М.С. Кузнет
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
(PhD), доцент.


Х.К. Хайдаров
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире стремительно развивается процесс урбанизации. Это приводит к усилению антропогенного воздействия и изменению видового состава брюхоногих моллюсков городских ландшафтов, а также к снижению их разнообразия. Брюхоногие моллюски являются важным компонентом водных и наземных биогеоценозов. Наземные брюхоногие моллюски участвуют в почвообразовании, обогащая его минералами и органическими веществами. В то же время некоторые брюхоногие моллюски, питаясь, вегетативными и генеративными органами растений повреждают их, некоторые виды являются промежуточными хозяевами гельминтов. Таким образом, определение современного видового состава брюхоногих моллюсков в городских ландшафтах, анализ их биоэкологических особенностей, оценка хозяйственного значения и разработка мер борьбы с вредными видами имеет важное значение.

В мире проводятся научные исследования по определению закономерностей формирования городской малакофауны, прямого воздействия антропогенного воздействия на биоразнообразие городов в процессе урбанизации, а также по выявлению причин изменения видового состава и предотвращению исчезновения видов. В связи с этим особое внимание уделяется анализу распространения брюхоногих моллюсков в городских биотопах, фаунистической классификации брюхоногих моллюсков, а так же на то, что городское строительство и загрязнение окружающей среды является основным фактором, влияющим на изменения в видовом составе малакофауны и изменения некоторых видовых признаков.

В нашей республике особое внимание уделяется сохранению биоразнообразия и рациональному использованию эко-зооресурсов, в том числе по определению видового состава малакофауны естественных экосистем и агроценозов, биоэкологическим особенностям видов и разработке мероприятий по борьбе с моллюсками, вредителями сельскохозяйственных культур. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи по «... защите сельскохозяйственных культур от болезней, вредителей и сорняков»². Исходя из этих задач, фаунистический и экологический анализ городской малакофауны, выявление видов, вредителей сельскохозяйственных культур, а также разработка мероприятий по борьбе с вредными видами имеют большое научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, указанных в Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» № ЗРУ-408 от 19 сентября 2016 г., Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Постановлении

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 мая 2013 года № 142 «О Программе действий по охране окружающей среды в Республике Узбекистан на 2013-2017 годы», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июня 2019 года № 484 «Об утверждении Стратегии сохранения биологического разнообразия в Республике Узбекистан на 2019-2020 годы» и других нормативных актов, относящихся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные данные о фаунистическом составе, распространении, биоэкологических особенностях брюхоногих моллюсков отображены в работах зарубежных авторов таких, как Cetka T. et Sacany J. (2014), Mienis H.K. et Rittner O. (2010), I. Dedov, L.Penev (2010), P. Palmer (2010).

